

## ТУРКИСТОНДА КУТУБХОНА ИШИ

(Фарғона вилояти мисолида)



This article describes the opening, collection and operation of public libraries in the cities of New Osh, Margilan, Skobelev, Kokand, Namangan, established in accordance with the Resolution of the Fergana regional administration No. 421 of 1898 «On the opening of public libraries and reading rooms in regional and city centers.» information is available. In preparing the article used the documents of the National Archive of Uzbekistan I-19 Fund, Volume 1167.

Keywords: archive, archival documents, catalog, library, library work

нсон ақл заковатининг энг нодир намунаси ёзув бўлса, ақлий мехнатининг буюк кашфиёти бу — китоб. Китобда инсоннинг интеллектуал салохияти ёзма акс этади. Борлиқ ибтидоси ва инсон фалсафаси тўгрисидаги билимлар китобларда жамланади. Одамлар ўз билим ва илмларини китоб орқали келажак авлодларга етказиб беради. Тарихни билиш, кенг таргиб қилиш ҳам бевосита китоблар орқали амалга оширилади.

Хозирда жахон мамлакатларида кечаётган пандемия шароитида тадкикотчилар ва изланувчиларга ахборотлардан масофавий ва онлайн фойдаланиш хар качонгидан хам мухим ахамият касб этмокда. Бундай шароитда давлат муассасаларида замонавий компьютер технологиялари тезкор интернетдан фойдаланишга алохида эътибор каратилмокда. Архив ва кутубхона ўкув хоналари хам шулар жумласидандир.

Архивларда тарихимизнинг турли даврига оид хужжатлар ичида Туркистонда кутубхона иши тарихига доир хужжатлар хам сакланиб келинмокда. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА)даги И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йигма жилд таркибида 1898—1917 йилларда Фаргона вилояти кутубхона иши тарихи акс этган хужжатлар бор.¹

Россия империяси ҳарбийлари Тошкент шахрини эгаллаб олганидан кейин ўз мустамлакачилик ҳаракатларини ҳарор топтиришга интилиб, зудлик билан тегишли маъмурий ҳокимиятни таъсис этишга киришди. 1865 йил

6 августда Александр II томонидан «Туркистон вилоятини идора қилиш тўғрисидаги Муваққат Низом» тасдиқланиб, 1867 йил июлда Россия империяси таркибида Туркистон генералгубернаторлигини ташкил этиш тўғрисида қонун қабул қилинди.<sup>2</sup>

Россия империяси Туркистонда ўз сиёсий мавкеини мустахкамлаш максадида худуднинг асосий марказларида кутубхоналар ва клублар ташкил қилишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда Туркистоннинг барча вилоятларида кутубхона ўқув хоналари фаолиятини йўлга қўйишга киришилади. 1867 йил 16 августда Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман Халк маорифи вазирлиги, Фанлар академияси, Халқ кутубхонаси, География жамиятига, Россиянинг Бош штабига ўлкада кутубхона ташкил этиш ва унинг китоб фондини тўлдиришда бевосита ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. 1870 йил апрелда 2200 жилддан иборат 1200 номдаги китоб фондига эга Туркистон халқ кутубхонасига асос солинади.3 Бу Туркистон генерал-губернаторлигида ташкил этилган биринчи кутубхона бўлиб, кейинчалик эса бундай кутубхоналар хар бир вилоят ва шахар марказларида ташкил этилади.

Туркистоннинг 1865—1917 йиллардаги кутубхона иши тарихи кўпчилик тадкикотчилар томонидан алохида ярим асрлик боскичга бўлиниб ўрганилади. Биз кўтарган мавзудаги маълумотлар хам шу давр ичида содир бўлган ўзгаришлар билан бевосита боглик.

ЎзМАда сақланаётган хужжатларда куйидаги акс топган: 1898 йил Фарғона вилояти▶



Хабибжон Олимжонов, Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети таянч докторанти

Архивларда тарихимизнинг турли даврига оид хужжатлар ичида Туркистонда кутубхона иши тарихига доир хужжатлар хам сакланиб келинмокда. Ўзбекистон Миллий архивидаги 1167-йигма жилд таркибида 1898-1917 йилларда Фарғона вилояти кутубхона иши тарихи акс этган хужжатлар бор





XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг вилоят ва шахарларида жамоатчилик ёки махаллий маъмурият томонидан тузилган кутубхоналар ва ўкув хоналари очила бошланади. Янги Маргилон шахар оммавий кутубхонаси 1899 йил 14 январда ташкил килинади (хозирги Ахмад Фарғоний номидаги вилоят ахбороткутубхона маркази) бошқармасининг «Вилоят ва шахар марказларида оммавий кутубхона ва ўқув хоналарини очиш тўгрисида»ги 421-қарори қабул қилинади.⁵ Шу тариқа Фарғона вилоятининг турли шаҳарларида зудлик билан кутубхоналар ташкил қилинади.

Дарҳақиқат, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида вилоятда кутубхона ва ўкув хоналарини очиш борасида катта ишлар амалга оширилади. Ўш, Янги Маргилон, Қўқон, Наманган, Скобелев шаҳарларида кутубхона-лар ташкил қилинади.

ЎзМАдаги Фарғона вилояти Ўш шахар оммавий кутубхонаси тарихи билан боғлиқ ҳужжатлар орасида аҳоли сонига оид маълумотлар ҳам бор. Жумладан, 1896 йилда Ўш уездида 490 киши, 1897 йилда — 492, 1898 йилда — 445 киши истиқомат қилган булса, 51 киши кучиб юрувчилар сифатида руйхатга олинган.

1898 йилда Ўш туманида кўнгилочар масканлар ва кутубхона ташкил этиш мақсадида ғазнадан 28583 рубль сарфланади. Ушбу маблағлар хисобидан 1898 йилда Ўш оммавий кутубхона ва ўкув хонаси очилади. Шу йили кутубхона ўкув хонасига китоб, газета ва журнал сотиб олиш учун 500 рубль, кутубхонани таъмирлаш ва китоб жавонларини сотиб олиш учун 300 рубль сарфланади. 1899 йилда ажратилган кутубхонага янги китоблар олиш мақсадида 100 рубль хисобига ва бу маблағта 200 нусха китоб сотиб олинган<sup>6</sup>.

Вилоятда барча давлат муассасалари, шу жумладан кутубхоналар ҳам 1869 йил июнда

ташкил этилган Молия вазирлигига қарашли Тошкентдаги Туркистон ғазна палатасининг Фарғона бўлимидан молиялаштирилган.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг вилоят ва шахарларида жамоатчилик ёки махаллий маъмурият томонидан тузилган кутубхоналар ва ўкув хоналари очила бошланади. Янги Маргилон шахар оммавий кутубхонаси 1899 йил 14 январда Фаргона вилояти губернаторининг қарорига мувофик ташкил қилинади (хозирги Ахмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази). Кутубхона учун ҳар йили 600 рубль ажратилиб турилиши белгиланади, аммо 1899 йил учун жами 400 рубль маблағ сарфланади. Маблағ асосан кутубхона биносини таъмирлаш, китоб жавонлари билан жихозлаш, ўкув хонаси учун ўриндиклар харид килиш ва янги китоблар сотиб олиш, ўкув хонаси ходимлари ойлик маошлари учун ишлатилган.

Кутубхона очилганда, ўкув хонасида китоблар кам бўлган, аммо қисқа фурсат ичида китоблар кўпайиб, фойдаланувчилар сони ортиб борган. Бу вақтда кутубхона жамғармаси 3000 нусхадаги китоблардан ташкил топган. Китобхонлар доираси эса фақат шахар зиёлиларидан иборат бўлган. Ахолининг бошқа қатламлари учун кутубхона хизматидан фойдаланишнинг имконияти йўқ эди.

Кутубхоналар Қўқон шахрида хам очилган. Масалан, Қуқон шахар бошлиғининг 1900 йил 24 октябрда Фарғона вилояти губернаторига йўллаган 520-сонли мактубида Қўқон шахарида кутубхона очилганлиги, фойдаланиш тартиб-қоидалари ва низоми ишлаб чиқилганлиги маълум килинади<sup>7</sup>. Кутубхона очилиши билан турли шахар марказларидан ўлка тарихига доир китоблар, хариталар ва чизмалар келтирилади. Кутубхонада оммавий ўкиладиган қизиқарли янги адабиётлар хам сақланган. Бу эса, фойдаланувчилар сонини ошишига ва хизмат кўрсатиш тизими яхшиланишига хизмат қилган. Кутубхона Қўқон шахар хўжалик бошқармаси томонидан молиялаштирилиб, 1900 йилда бинони куриш учун 9000 рубль, шкаф, стол-стул харид қилиш учун 3000 рубль, ходимлар ойлик маоши учун 1500 рубль маблаг ажра-

<sup>1</sup> УзМА, Фонд-И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йигмажилд, 1-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Собрание узаконевий и рапоряжений, издаваемое при Правительствующем Сенате. – СПб., Пг., 1863–1917, Часть 1. 20-документ; Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: «Академия нашриёти», 2002. – Б. 31.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Қосимов О., Есимов Т. Умумий кутубхонашунослик. – Т.: «Ўқитувчи», 1994. – Б. 41.

<sup>&</sup>lt;sup>4</sup> Охунжонов Э. Кутубхонашунослик, архившунослик, китобшунослик: назарияси ва тарихи. – Т.: «Тафаккурбўстони», 2011. Б. 36.

<sup>&</sup>lt;sup>5</sup> ЎзМА, 19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йигмажилд,. 15-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>6</sup> ЎзМА, И-1-фонд, 13-рўйхат, 102-йиғмажилд,. 4-варақ.

тилган. Очилиши ва фаолият юритишида шаҳар бошлиғи полковник Дзерзевский, меъмор Г. Маур ва инспектор Г.Курочкинлар катта ҳисса қўшишган<sup>8</sup>.

1907 йилда Қўқон оммавий кутубхонасидан бепул фойдаланиш тўғрсида низом ишлаб чикилади ва кутубхона иккита бўлимга бўлинади. Биринчиси бепул хизмат кўрсатувчи ўкув хонаси, иккинчиси пуллик хизмат кўрсатиш бўлимларидан иборат бўлади<sup>9</sup>. Бу пайтда 1200 га яқин китоб мавжуд бўлган.

Бундай мактуб Фарғона вилояти харбий губернаторига 1901 йил 26 январда хам йўлланади, фақат бу мактубни Наманган уезди бошлиғи юборади. Мактубда Наманган оммавий кутубхонаси очилганлиги ва кутубхона баённомаси нусхаси такдим этилаётганлиги маълум қилинган. Кутубхона учун ҳар йили 1000 рубль харажат қилиниши кераклиги ва жорий йил хисобидан ғазнадан Наманган шахрида кутубхона очиш учун 300 рубль микдорида бошланғич маблағ олинганлиги маълумот учун билдирилган. Шунга асосан, Наманган шахрида 1901 йил кутубхона очилган деб эътироф этиш мумкин. Бу кутубхона дастлаб жуда кам микдордаги китоблар билан таъминланади. Бино Наманган шахар хўжалик бошқармаси тасарруфидан ажратилади. Аъзолик бепул амалга оширилади, кутубхона ўзининг низоми ва тартиб-қоидаларига эга бўлган. Дастлаб 250 нусхага яқин китоб бўлиб, рўйхати тузилиб, каталоглаштирилган.

1907 йилда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг буйруғига асосан Скобелев шаҳрида кутубхона очилади. 1908 йил 18 ноябрда Скобелев оммавий кутубхонасининг 144-сонли баённомаси ишлаб чиқилади ва расмий фаолият юритувчи муассасага айланади. Баённомада кутубхонанинг асосий фаолият турлари, ишлаш тартиби, китоб, газета ва журналлар билан жамлаш каби асосий вазифалар белгилаб куйилади, кутубхона 3 нафар шаҳар депутати ва 4 нафар библиографдан иборат кумитаси тузилади. Қумита аъзолари маҳаллий



аҳоли томонидан 3 йилга сайланади. Құмита вилоятда кутубхона ишини ташкил қилиш, янги кутубхоналар очиш ва тугатиш, китобларни жамлаш ва ўкув хоналарини очиш каби вазифаларни назорат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: «Академия нашриёти», 2002. – Б. 32.

2. Охунжонов Э. Кутубхонашунослик, архившунослик, китобшунослик: назарияси ва тарихи. – Т.: Тафаккур бўстони, 2011. – Б. 36.

3. Охунжонов Э. Ватан кутубхоначилиги тарихи. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – Б. 54.

4. Қосимов О., Есимов Т. Умумий кутубхонашунослик. -Т.: Ўқитувчи, 1994. - Б. 41.

5. Рикитов А.И. Понятие науки и ее структура. Проблемы методологии и логики науки. - Томск, 1965. С. 105-126.

6. «Халқ сўзи», 2020 йил 21 февраль.

7. Собрание узаконевий и рапоряжений, издаваемое при правительствующем сенате. – СПб., Пг., 1863–1917, Часть 1. 20-документ; Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: Академия нашриёти, 2002. – Б. 31. Системногносеологический подход.-Москва: Политиздат, 1982. – С. 303. ... Бундай мактуб Фаргона вилояти харбий губернаторига 1901 йил 26 январда хам йўлланади. Мактубда Наманган оммавий кутубхонаси очилганлиги ва кутубхона баённомаси нусхаси такдим этилаётганлиги маълум килинган. Шунга асосан, Наманган шахрида 1901 йил кутубхона очилган деб эътироф этиш мумкин

Хабибджан Алимджанов – докторант исторического факультета Национального университета Узбекистана.

В статье рассказывается об открытии, формировании и работе публичных библиотек в городах Ош, Новый Маргилан, Скобелев, Коканд, Наманган, созданных в соответствии с постановлением Ферганской областной администрации за № 421 от 1898 года «Об открытии публичных библиотек и читальных залов в областных и городских центрах», Статья основана на документах Национального архива Узбекистана, фонд I-19, том 1167. ■

<sup>&</sup>lt;sup>7</sup> ЎзМА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 1167-йигма жилд,. 17-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>в</sup> Ўша жойда, 36-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>9</sup> ЎзМА Фонд. И-19, 1-рўйхат, 28789-йигма жилд. 56 варақ.